



**IMPROVING THE MECHANISM OF INCREASING THE SYNERGIC
EFFICIENCY OF THE USE OF LAND AND WATER RESOURCES IN
AGRICULTURE**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10057490>

Akhmatov is the son of Abutalibkhan Ochilkhan

"TIQXMMI" National Research University

Karshin Institute of Irrigation and Agrotechnology

Assistant of the "Geodesy and Geoinformatics" department

ABSTRACT

The methodology of empirical analysis of the improvement of the mechanism of increasing the synergistic efficiency of the use of land and water resources in agriculture has been developed. The theoretical foundations of the mechanisms for increasing the synergistic effectiveness of the development of the rational use of water resources in the region using digital technologies have been improved.

Keywords

synergistic efficiency, digital technology, empirical model, econometric model, forecast results, information system, endogenous variables, exogenous variables.

**ДЕҲҚОН ХҲЖАЛИГИДА ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН
Фойдаланишнинг синергетик самарадорлигини ошириш
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОММИЛЛАШТИРИШ**

Ахматов Абутолибхон Очилхон ўғли

"ТИҚХММИ" Миллий тадқиқот университетининг

Қарши ирригатсия ва агротехнологиялар институти

"Геодезия ва геоинформатика" кафедраси ассистенти

Аннотатсия

Деҳқон хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг синергетик самарадорлигини ошириш механизмини такоммиллаштиришни эмпирик таҳлил қилиш методологияси ишлаб чиқилган. Вилоятда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни ривожлантиришни рақамли технологиялардан фойдаланиб синергик самарадорлигини ошириш механизмларининг назарий асослари такоммиллаштирилган.



Калит сўзлар

синергетик самарадорлиги, рақамли технология, эмпирик модел, эконометрик модел, прогноз натижалари, ахборот тизими, эндоген ўзгарувчилар, экзоген ўзгарувчилар.

Кириш

Ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай воситаларидан оқилона ва самарали фойдаланиш коъп жиҳатдан уни ташкил этишга йоъналтирилган самарадорликни кучайтирувчи таъсирга яъни синергетик кучга боғлиқдир. Кишилик жамияти вужудга келгандан буён табиий ресурслар ичида ер ва сув катта иқтисодий - ижтимоий аҳамиятга эга боълиб қолаверган. Ер ва сувдан оқилона фойдаланишда, айниқса кишлоқ хўжалигида тупрокни муҳофаза қилиш ва ресурс тежовчи рақамли технологиялар жуда муҳим иқтисодий соҳа ҳисобланади. Шу жиҳатдан ҳам ердан тоъғри фойдаланишни ташкил этишга йоъналтирилган давлат ер кадастри, ер тузиш, ер мониторинги, ер ҳуқуқи, ер солиғи, ерлардан фойдаланишни давлат назоратини оърнатиш каби тадбирларнинг туб моҳиятини билиш ва уларга риоя қилиш катта амалий аҳамиятга эга боълади¹⁴.

Шунинг учун ҳам республика ер майдонларидан фойдаланишни ташкил этишга йоъналтирилган синергетик таъсирлар деҳқон хўжаликларни ривожлантиришда муҳим оърин тутуди.

Ер участкаларидан самарали фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш, ерлар, айниқса, кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар талон-торож қилинишининг олдини олиш, мазкур жараёнларга ахборот технологияларини кенг жорий қилиш орқали соҳада рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги «Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6243-сон Фармони қабул қилинди¹⁵ [1]. Унда ер участкаларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида назоратни янада кучайтириш бўйича вазифалар белгиланди.

Республика ер фонди фойдаланилиши ва турлари бўйича доим ўзгариб туради. Ерларни ўзлаштириш натижасида лалми, яроқсиз ерлар

¹⁴ O‘zbekiston Respublikasining qonuni “Davlat yer kadastrini to‘g‘risida”. T., Adolat, 2004.

¹⁵ Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сон Фармони.



суғорилиб, экиладиган ер ҳисобига ўтиши ёки қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадлар учун турли қурилишларга ажратиб берилиши, эрозия таъсирида ва бошқа сабаблар кўра экин экиладиган ерлар ҳисобидан чиқиши каби ҳоллар содир бўлади¹⁶.

Бунинг учун, аввало, экин экиладиган майдонларнинг кескин қисқариб

кетилишига, қишлоқ хўжалик оборотидан тушиб қолишига, иккинчидан,

исрофгарчилик ва хўжаликка, суғориладиган ерлар турли қурилишларга ассосиз

ажратилишига йўл қўйилмаслиги, учинчидан, қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан тушиб қолган суғориладиган ерларни тиклаш ва эрозияга

қарши иш олиб борилиши зарур¹⁷ [5, 6, 10, 11, 13].

Маълумки, ҳозирги кунда деҳқон хўжалигида фаолият кўрсатаётган турли мулк эгалари орасида сув таксимотини бошқариш, ирригатсия-мелиоратсия тармоқларини ишлатиш, таъмирлаш, техник ҳолатини такомиллаштириш, етиштирилаётган маҳсулот бирлигига сарфланаётган сув миқдорининг ҳисоб-китобини яхши йўлга қўйиш бозор муносабатлари шароитида энг асосий омиллардан бири саналади. Шунингдек, ер ресурсларидан унумли фойдаланиш, мамлакат аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳисса қўшиш, ўзи жойлашган ҳудуднинг ижтимоий ривожланишини таъминлашда иштирок этиш каби бир қатор вазифаларни ечишда ҳам деҳқон хўжаликлари ўз ҳиссаларини қўшишлари лозим¹⁸.

Деҳқон хўжаликлари дастлабки, уй хўжаликлари тараккиёти давомида А.Смит ва Ж.В.Сей мулоҳазалари юритилган. Чет элда уй хўжаликлари (ҳоусеҳолд, рус тилида домохозяйство) бир иқтисодий макон дея эътироф этилади. “Уй хўжалиги” иқтисодий фаолиятининг асосий субъекти сифатида, қаердаки инсон яшаркан, ўша жойдаги иқтисодий объект ва жараёнларни ўз ичига қамраб олади. Деҳқон хўжалиги каби уй хўжалигини ҳам унинг бошлиғи бошқаради. Бир гуруҳ рус олимлари В.Жеребин ва А.Романов¹⁹ларнинг фикрига кўра, “домашнее хозяйство” ва

¹⁶ Аҳмадалиев Ю. И., Алимджанов Н. Н. ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ТРАДИЦИОННОГО ВОДОПОЛЬЗОВАНИЯ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ //География: развитие науки и образования. – 2020. – С. 375-380

¹⁷ Ahmadaliyev Y. I. et al. Changes in the Natural Composition of the Land Fund and Its Protection (on the Example of Khojaabad District) //Academicia Globe: Inderscience Research. – 2021. – Т. 2. – №. 04. – С. 165-168.

¹⁸ Салимов Б.Т, Беркинов Б.Б, Ҳамдамов Қ.С ва бошқ. Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. -Тошкент, 2004 й., 14-бет.

¹⁹ Жеребин В., Романов А. Экономика домашних хозяйств. – М.: “Финансы. ЮНИТИ”, 1998, С25-28



“домохозяйство” бир хил тушунча. Лекин В.Островский, И.Беккерлар фикрича, “домохозяйство” - умумий бюджетга ва турар жойга бирлашган кишилар гуруҳи; “домашнее хозяйство” эса шунчаки иқтисодиёт сектори элементи²⁰. Бизнингча эса, иккала тушунча ҳам айнан бир хил нарса бўлмасада, назарий алоҳида мазмунга эга бўлса ҳам, негизи бир нарсага бориб тақалади. Статистик маълумотлар асосан “домашнее хозяйство” шаклида берилади. Бу ҳозирча Россия ва МДХ мамлакатларига мунозарали мавзу бўлиб қолмоқда.

Хусусан, Ф.А.Брокгауз ва И.А.Ефроннинг энциклопедик луғатида “Дехқон хўжаликлари – иқтисодий категория сифатида оила раҳбари ва унинг аъзолари меҳнатига таянган майда товар ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалиги қорхонасидир”. Яна бир энциклопедияда “деҳқон хўжалиги шундай қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш шаклидирки, у асосан умрбод мерос қолдирилган ёки узоқ вақт фойдаланиш учун ижарага олинган ерда оила аъзоларининг биргаликдаги меҳнатига асосланади”²¹

Сўнги йилларда республикада ер участкаларидан оқилон ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, уларни муҳофаза қилиш, янги ерларни ўзлаштириш ҳамда қайта муомалага киритиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, ҳудудларда ер қонунчилигига риоя қилмаслик, ер участкаларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, жумладан ноқонуний қурилмалар қуриш, шунингдек, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш ҳолатлари учраётганлиги бу борада рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш орқали ягона назорат тизимини жорий этиш ҳамда ваколатли идоралар ўртасида ҳамкорликни янада кучайтиришни тақозо этмоқда²²

Давлат томонидан оътказилаётган бундай тадбирлар қанчалик тоғри ва оқилон ташкил этилган бўлса, ер майдонларидан фойдаланиш ва умуман иқтисодиётнинг ривожланиши шунчалик юқори бўлади.

Республикамиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, озиқ-овқат ресурсини асосан ички имкониятлар ҳисобига тўлдириш учун ер ва сувдан оптимал даражада фойдаланиш муҳим масалалар бири ҳисобланади. Шунини айтиш мумкинки, бугунги кунда фуқароларнинг илмий асосланган истеъмол меъри даражасида озиқ-овқат

²⁰ Островский В., Беккер И., Сомеонов В. Личное подсобное хозяйство в условиях агропромышленной интеграции. – М.: «Наука», 1988, С160

²¹ Сельскохозяйственный и производственный кооператив: М: Энциклопедия российский деревень, 1999, С181

²² Ахмадалиев Ю. И., Абдуғаниев О. И. The value of geocological principles in the system of protected natural territories //Узбекистон ва Россияда география фани: умумий муаммолар, ҳамкорлик салоҳияти ва истикболи. – 2019. – С. 48-50



маҳсулотлари билан таъминланиш тўлиқ амалга оширилаяпти, деб бўлмайти. Бундан ташқари одамларнинг кунлик ратсионининг таркиби ҳам талабга тўлиқ жавоб бермайти. Кундан-кунга ошиб борувчи эҳтиёжни қондириш, таъминланиш даражасини ошириш ечилиши лозим бўлган муаммолардан бири. Айниқса, бу муаммо қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи кам даромадли аҳоли қисми тўқнаш келадиган энг катта муаммолардан ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби сифатида Р.Х.Хусанов ва М.Ч.Қосимовлар “Аграр секторда ишлаб чиқариш кучлари ривожланиш даражасининг пастлиги, соҳалар ўртасидаги номутаносиблик, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигининг пастлиги, молиявий ресурслар, ишлаб чиқариш воситалари ва қуролларининг етарли эмаслигидир”,²³ - деб кўрсатадилар. Рус олимларидан А.Н.Челинцев, Н.П.Макаров, А.А.Рибников ишларида эса бунинг сабаби сифатида “қишлоқ хўжалигидаги хўжалик шакллариининг тўлиқ ислоҳот қилинмаганлиги, қишлоқ хўжалик корхоналарининг оптимал ўлчовларга эга эмаслиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришнинг энг самарали усуллари такомиллаштирилмаганлиги (жумладан бу ўринда агрономлар ишига ҳам тўхталиб ўтилган), шунингдек аҳолини ижтимоий химоялашда услубий асосларнинг тўлиқ бажарилмаганлиги”²⁴ - дея тўлиқ эътироф этилган.

Россиялик яна бир иқтисодчи Д.Ф.Вермел деҳқон хўжалигини ривожлантириш концепсия (тамойил)ларини қайта ишлашда иқтисодий муносабатлардаги ўрни ва аҳамиятини қуйидагилар билан белгилаган:

-деҳқон хўжалигини ташкил этишда унинг ер участкасини аниқ ўлчовларга биноан тақсимлаш;

-ишлаб чиқараётган маҳсулотлар дифференциатсия жараёнини актуал баҳолаш натижаларини ҳисобга олиш;

-қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг оила аъзолари ва, керак вақтида, ёлланма ишчилари ёрдами билан етиштириш динамикасини ишлаб чиқиш;

-айниқса, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун деҳқон хўжалиги негизида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналарни барпо этиш, уларни етакчи хорижий компанияларнинг илғор технология ва ускуналари билан жиҳозлаш;

²³ Р.Х.Хусанов, М.Ч.Қосимов. Деҳқон хўжалигини юритишнинг илмий ва амалий асослари. Т.: “Чўлпон”, 2000, 25-бет.

²⁴ А.Н.Челинцев, Н.П.Макаров, А.А.Рыбников, А.Н.Мынин, Г.А.Студенский. Методологические аспекты крестьянских хозяйств. //Экономика сельского хозяйства России, 1998 №2



-пировард натижада сифатли, рақобатбардош, экспортбоп маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш устувор вазифа сифатида белгилаб олиш²⁵.

Россияда деҳқон хўжаликлари ҳақида тадқиқот ишлари олиб борган олимлар ишларида “крестьянское хозяйство”, “хозяйств населения”, “крестьянское подворье”, “личное подсобное хозяйство” каби атамалар бир-бирига жуда яқин деб қаралган. Ҳаттоки, А.Бобок: “аҳоли томорқа хўжаликлари қишлоқ хўжалиги ҳаётида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жуда муҳим рол ўйновчи, ҳозирги кундаги бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ аҳолисини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминловчи ва шунинг ортидан аҳоли даромадларини оширувчи асосий манбадир, шунингдек, ўлкада ишсизликнинг ўсиши хавф солиб турган даврда иш ўринлари таклиф этаётган алоҳида хўжалик юритувчи маҳаллий қишлоқ хўжалик шаклидир”²⁶, дея алоҳида таъриф берган. А.Колесниковнинг фикрига қараганда, “Аҳоли хўжалиги – қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш ва мамлакатни озик-овқат билан таъминлашда, иш ўринлари ташкил қилиш ва қишлоқдаги аҳоли даромадларини оширишдаги муҳим омил бўлиб, баъзан кўшимча, баъзан эса асосий даромад олиш механизмидир”²⁷. З.Темирова: “аҳоли хўжаликлари қишлоқ хўжалиги корхоналарига нисбатан ердан бир неча марта кўпроқ ҳосил олиши, чорвачилик билан шуғулланувчиларида эса бир неча қорамол кўплиги билан фарқланиб турувчи хўжалик шакли”, деб қараса, Х.Боготов “аҳоли, деҳқон хўжаликлари бюджетдан таъминланмайдиган хўжалик юритиш шакли”²⁸, деб таъкидлаган.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, иқтисодчи олима Г.Шодиева ҳам бу мавзуда тўхталган бўлиб, “ёлланма ишчилардан фойдаланиш” масаласига алоҳида урғу берган. Ҳатто, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” ги Қонуннинг 1-моддасида ўзгартириш киритишни ҳам тавсия этган. Чунки ушбу моддада “Деҳқон хўжалиги ўз фаолиятида ёлланма меҳнатдан доимий асосда фойдаланиш мумкин эмас”, - деб кўрсатилган. Лекин бу чегаралаш ҳозирги меҳнат салоҳияти кучли бўлган мамлакатимизга ёт эмасми? Чунки, деҳқон хўжаликлари ўзларига беркитилган ер майдонидан бозорнинг талаби ва таклифидан келиб чиқиб, турли маҳсулотларни ўз ихтиёри билан етиштиришлари мумкин. Шундан келиб чиқиб, деҳқон хўжалигига

²⁵ Д.Ф.Вермель, Г.С.Исмурадова. Особенности развития некоторых форм сельскохозяйственных предприятий. – Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. //Ж.1./2006 г., стр.52-53

²⁶ Бобок А. Развивать малые формы хозяйствования.// АПК: экономика, управление. – М., 2008, №9 С36-37

²⁷ Колесников А. Многоукладная аграрная экономика Белгородчины.// АПК: экономика, управление. – М., 2007, №5, С63-65

²⁸ Боготов Х. Интеграция – гарант успешного функционирования хозяйств населения.// АПК: экономика, управление. – М., 2008, №11, С36-38



Г.Шодиева куйидагича таъриф беришни тавсия этади: “Дехқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига бериладиган томорқа ер участкасида оила аъзоларининг шахсий меҳнати ва ёлланма меҳнат асосида, бозордаги талаб ва таклифнинг ўзгаришидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирадиган ва реализатсия қиладиган хўжалик юритувчи субъект тушунилади”.²⁹

Иқтисодий рақамлаштириш шароитида аграр тармоқда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари: ёппасига, агат олиб, ёмғирлатиб, томчилатиб ва ер остидан суғоришнинг иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш ва бозор механизмларини жорий этиш бугунги кундаги долзарб иқтисодий муаммоларини ечимини топишдан иборат. Шунингдек, Г.Шодиева³⁰, А.Абсаматов³¹лар фикрича: мамлакатлар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун дехқон хўжаликлари, шунингдек, оила даромадларини ошириш муҳимдир. Демак, дехқон хўжаликлари ривожда оила даромади ҳам асосий рол ўйнайди. дехқон хўжаликлари услубий асосларини яратишга ҳаракат қилган олимлар, уларнинг иқтисодий кўрсаткичларига алоҳида урғу берганлар. М.Скальная “аҳоли хўжаликлари – истеъмол учун ишлаб чиқарувчи корхона, демак, унинг услубий асосларини яратиш лозимки, корхона истиқболи бўлсин”³², деб айтганида ҳақ эди. Яъни, аҳоли хўжаликлари ўз истеъмол товарларини ишлаб чиқариш учун томорқада банд бўлганлар хўжалиги, корхонасидир. Ушбу корхонада фаолият юритаётганлар кўшимча меҳнат қилиш эвазига оила бюджетининг даромад қисмига ҳисса кўшмоқдалар. Е.Такмакова куйидаги таърифни берганида кўпроқ услубиятига тўхталган: “аҳоли хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми ва кўрсаткичлари улар томонидан ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотларнинг бозор нархи билан баҳоланади, бу усул аҳоли хўжаликларининг аъзолари томонидан истеъмол қилинаётган маҳсулотлари билан ҳам баҳоланади”³³. А.Расказов эса “томорқа хўжалиги фаолияти натижасида қишлоқ аҳолисининг бандлик даражаси ва даромадлари ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Бу ўз навбатида ижтимоий муаммоларнинг

²⁹ Г.М.Шодиева. Оила хўжалиги мулки ва даромадини кўпайтириш йўллари. И.ф.н.даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2001.-Б.26

³⁰ Г.М.Шодиева. Оила хўжалиги мулки ва даромадини кўпайтириш йўллари. И.ф.н.даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2001.-Б.26

³¹ А.Э.Абсаматов. Дехқон хўжаликлари ривожланишини рағбатлантириш ва даромадларини ошириш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2006.

³² Скальная М. Доходы – главный источник роста социально-трудового потенциала села.//АПК: экономика, управление. – М., 2009, №5, С78-83

³³ Такмакова Е. Хозяйства населения Орловщины.// Экономика сельского хозяйства России. – М., 2005, №4, С35-37

ечимини ҳал қилиш билан бирга қишлоқ ҳаётини изга тушиши ва қишлоқда жойлашувнинг ўсишига ҳам олиб келмоқда”³⁴, дея таъкидламоқда.

Эр ва сувдан унумли фойдаланиш мақсадида, айниқса деҳқончиликда мулкчиликнинг ҳар хил турлари пайдо бўлиши, фермерчиликнинг тараққий этиши, сув танқислигининг кучайиши ва бошқа сабаблар туфайли республикада сувдан ва унга боғлиқ хизматлар учун пуллик фойдаланишга ўтиш соҳасида тегишли ишлар олиб борилмоқда. Сувни тежаш мақсадида каналлар ўзанида сув сизишини камайтириш учун қопламалар ётқизилмоқда, томчилатиб ва тупроқ устидан намлатиб суғориш усуллари қўлланилмоқда. Сув ресурсларидан фойдаланганлик ва сувни етказиб бериш харажатларини қоплаш ҳамда сув хизмати учун тўлов жорий этилган. Сув хизмати учун тўловлар шартнома асосида олиб борилади.

Ўзбекистонга тегишли маълумотларни 60-йилларда В.Л.Шулс томонидан аниқланган миқдор билан солиштирсак, фарқнинг унча катта эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз. В.Л.Шулснинг баҳолаши бўйича Республиканинг йиллик юза сув ресурслари 99,5 км³га тенг бўлиб, унинг фақат 12,2 км³ қисми Ўзбекистон ҳудудида ҳосил бўлади.

1.1.2-жадвал: Ўрта Осиё давлатлари сув ресурслари³⁵

Давлатлар	Майдони, км ² / %	Йиллик оқим миқдори, км ³			Четдан келадиган оқим	
		1	2	3	1	3
Ўзбекистон	447,4/35,04	11,1	10,6	9,5	-	-
Туркменистон	488,0/38,44	1,0	-	1,1	-	2,9
Тожикистон	143,0/11,20	51,2	53,4	47,4	20,0	20,7
Қирғизистон	198,5/15,54	52,8	49,2	48,7	-	-
Жами	1276,9/100	126,1	-	106,7	-	23,6

Кўпгина олимларимиз томонидан “Сув хўжалиги мажмуаси”га сув хўжалиги объектлари, уларга хизмат кўрсатувчи субъектлар (С.Ч.Джалалов), уларни бошқариш тизими ва сувдан фойдаланувчи субъектлар (Р.А.Абдуллахонов)³⁶ тушунилади, деб таъкидлаганлар. Бироқ сув хўжалиги

³⁴ Рассказов А. Хозяйствам населения – государственную поддержку.// Экономика сельского хозяйства России. – М., 2005, №8, С21

³⁵ 1–«Сув ресурслари тўплами», 1967 йил; 2–М.И.Львович ва бошқалар, 1969 йил; 3–«Сув ресурслари тўплами», 1987 йил.

³⁶ Абдуллахонов Р.А. Ўтиш даврида сув хўжалиги мажмуаси ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш. Афтореферфт, Т., 2003 йил, 22-б



тизими давлатнинг иқтисодий йўналиши бўлиб, у халқ хўжалигининг барча соҳаларини доимий ошиб борувчи сувга бўлган талабини максимал даражада қондириши ва у билан боғлиқ бўлган салбий жараёнларни бартараф қилиш мақсадларида сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни муҳофаза қилиш ва тиклаш, уларни бошқариш, сақлаш, бирламчи ва иккиламчи истеъмолчиларга етказиб бериш ва тозалаш ишларини олиб бориш билан шуғулланади, деб тушуниш керак.

Масалан, жаҳон банки мутахассисларининг фикрича, “Сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, унга нарх ўрнатишни яхшилаш орқали амалга оширилиши керак...”³⁷ ёки С.Реггу таъкидлашича “Биз сувни ижтимоий товар эканлиги билан бирга, унинг иқтисодий товар эканлигини тан оламиз. Бу тан олиш, қарор қабул қилишда асосий ўрин тутиши лозим ва сувга албатта нарх ўрнатилиши лозим”³⁸. Суғорма деҳқончилик қилишда сувга нарх белгилаш унга бўлган талабни қисқартиришнинг самарали воситаси ҳисобланади. Лекин, сув ва уни етказиб бериш хизматлари учун белги-ланадиган нарх жуда паст бўлиб, у талабга аниқ таъсир кўрсата олмайди, ҳамда талаб ва таклиф ўртасида мувозанат ўрнатишдан анча паст даражада бўлади. Яъни, сувнинг нархи муҳим техник инновациялар ва инвестицияларни яратиш имкониятини бермайди. Бу эса сув тақсмотини оддий бошқаришни, ундан самарали фойдаланишни ва сув ресурслари билан таъминлашни қийинлаштиради.

М.Н. Лойтернинг³⁹ фикрича эса сув ресурсларини иқтисодий баҳолаш сув хўжалигининг фондлари учун тўловларни қўшиб ҳисоблагандаги иншоотлар ва сув хўжалиги тизимларини эксплуатация қилишнинг барча харажатларини тўла қоплаш ва умумхалқ эҳтиёжлари учун жамғармаларни ҳамда тармоқда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун етарли миқдорда даромадни таъминлаш зарур.

Сув баҳосини ҳисоб-китоб қилишда фонд сифими сув манбасидан сув истеъмоли хажмининг ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қийматига нисбати сифатида белгиланган. Бу кўрсаткич сув баҳоси таркибида инобатга олинадиган меърий фойдани ҳисоблаш учун аниқланади. Бироқ, бизнинг фикримизча, табиий ресурсларни иқтисодий баҳолашда харажатлар таркибини ўрганишимиз лозим бўлади.

³⁷ World Bank. Draft water sector policy –Washington DC. -2000 – 12-13 б.

¹³ Perry C. Water at any price? Issues and options in charging for irrigation water /Ж. Irrigation and drainage 2001-№3, 24-27 б.

³⁹ Лойтер М.Н. Природные ресурсы и эффективность капитальных вложений. М, Наука, 1974, 145-с.



Т.С.Хачитуров⁴⁰ таъкидлашича “сувга баҳо белгилаш харажатлар ҳажмидан келиб чиқиш керак эмас. Харажатлар ҳажми бўйича дарё сувининг кубометрига ҳисобланган таннарх бир метр куб сув харажатларининг арзимас қисмини ташкил этади. Муаммо харажатларни тўла ҳисобга олишда эмас, балки сув баҳоси истеъмолчини уни иқтисод (тежашга) қилишга ундаши зарур”. Демак, Т.С.Хачитуровнинг фикрига қўшилган ҳолда, бир кубо метр сувнинг харажати натижавий харажатнинг бир улуши сифатида қараш ва уни ҳисоблашда, харажатлар таркибидаги сарф этилган сув миқдорини билиш зарур бўлиб ҳисобланади.

Б.У.Ҳасановнинг⁴¹ фикрича эса, табиий ресурсларни иқтисодий баҳолашнинг харажат концепсияси табиий бойликларнинг тегишлилик концепсиясига мазмунан жуда яқинлигини ҳамда харажат концепсиясига муқобил тарзда натижавий концепсияларнинг юзага келганлигини алоҳида қайд қилиб ўтади. Бу концепсияларнинг бирида объектни баҳолаш сифатида ундан фойдаланиш асосида олинадиган ялпи маҳсулот ҳисобга олинса, иккинчисида эса олинадиган ялпи маҳсулотдан жорий харажатларни чегириб ташлашни таклиф қилади.

М.М.Маткаримов⁴² сув ва уни етказиб бериш хизматлари учун тўловни ҳисоблашнинг тўрт усули орқали амалга ошириш лозимлигини таъкидлайди. Яъни биринчи усулда қишлоқ хўжалик корхоналарининг олган даромадларига қараб, иккинчи усулда суғориладиган ер майдонларига қараб, учунчи усулда эса экилган экин турига қараб ва тўртинчи усулда эса фойдаланилган сув миқдorigа қараб тўловни амалга ошириш кераклигини айтади. Бугунги кунда қишлоқ хўжалик корхоналарида, яъни фермер ва деҳқон хўжаликларига етказиб берилган сув экин турига қараб, лимит ва график асосида етказиб берилаётганлиги ҳамда сув учун тўловлар қилинаётган харажатларни ҳисобга олган ҳолда аниқланаётгани сир эмас.

Бирок, М.М.Маткаримовнинг фикри бўйича сув ва уни етказиб бериш хизматлари учун тўловларни тўртинчи усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Яъни фойдаланилган сув миқдorigа қараб, сув учун тўловни амалга ошириш, албатта бу тўғри фикр. Бирок бугунги кунда барча сувдан фойдаланувчиларда сув ўлчаш воситаларининг йўқлиги фойдаланилган сувнинг миқдорини ўлчаш имконини бермайди. Шу нуқтаи назардан бизнинг фикримизча сув учун тўловларни ҳам экин майдонига қараб, ҳам фойдаланилган сув миқдorigа қараб тўланса мақсадга мувофиқ

⁴⁰ Хачитуров Т.С. Экономика природопользования. М, Экономика, 1982, 138-с.

⁴¹ Ҳасанов Б.У. Ўзбекистон сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш ва унинг самардорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми. Автореферат, Т., 2003, 89-б.

¹⁴ Маткаримов М.М. Сув тежовчи ва муҳофаза қилувчи технологияларни қўллаш жараёнларини бошқариш автореферати, Самарқанд-2006-8-б.



бўлар эди. Чунки, ҳар бир экин турини юқорида айтганимиздек, суғориш меёрлари асосида, белгиланган муддатларда, график асосида фойдаланилган сув миқдорига қараб, сув ва уни етказиб бериш харажатларини ҳисоблаш орқали амалга оширилса мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Бугунги кунга келиб республикамиз бўйича 1м³ сувнинг таннархи 15,3 сўмга (эксплуатация харажатлари билан) тенг бўлиб, вилоятда бу кўрсаткич, яъни 2008 йилда 32,2 сўмга тўғри келмоқда. 1 сентнер пахта ҳосилини олиш учун 392 м³ сув сарф қилинган бўлса, унинг қиймати 12622,4 сўмга, 1 с ғалла етиштириш учун эса 200 м³ сув сарф этилган бўлиб, унинг қиймати 6440 сўмга тенг бўлган. Агар бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун сарфланган сув миқдорини ҳам эксплуатация харажатлари 1 м³ сувнинг таннархи билан ҳисобланса, унда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархининг ўсишига олиб келади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари эса ўз маҳсулотларининг нархини оширишга мажбур бўладилар. Ваҳоланки, пахта ва ғалла давлат буюртмаси бўлиб, унинг нархи, яъни пахтанинг нархи жаҳон бозорлари нархидан келиб чиққан ҳолда, ғалланики эса минтақавий нархлардан келиб чиққан ҳолда белгиланишини эсдан чиқармаслик керак. Шундай экан, юқорида келтирилган маҳсулотларга кетадиган сув учун харажатларни бирданига белгилаш қишлоқ хўжалик корхоналари учун оғир юк бўлмаслиги учун ушбу жараёни босқичма-босқич амалга ошириш лозим. Бунда суғориш тармоқларини тозалаш, сақлаш ва ишлатиш учун кетадиган харажатларни қоплашда давлатнинг кўмаги зарур деб, ҳисоблаймиз.

Профессор А.Абдуғаниевнинг⁴³ фикрича, сувдан фойдаланиш коеффитсиенти, ҳақиқатда суғорилган майдон кўрсаткичинини суғорилиши мумкин бўлган майдон кўрсаткичига нисбати билан аниқланилиши айтилган. Ва бунда албатта экинларга сув бериш меёрларига алоҳида эътибор берилишига аҳамият берилган.

Сув бруттоси ва сув неттоси тушунчасига Р.Абдуллахонов⁴⁴ куйидагича изоҳ беради: Сув бруттоси –бу хўжаликлараро ва хўжалик ички тизимларидан оқадиган сув миқдори бўлиб ҳисобланади. Сув неттоси эса – бу хўжаликларо ва хўжалик ички тизимларидан оқиб ўтиб, ўтган масофада сув йўқотишларидан қолган ва суғориладиган экин майдонига етказиб берилган сув миқдори тушунилади. Бироқ, ўтказилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, яъни сув бруттоси – бу манбалардан олинган сув хўжаликлараро оқиб ўтадиган сув миқдори бўлиб, сув неттоси эса хўжалик ички тизимларидан оқиб ўтиб, ўтган масофада сувнинг парланиши, беҳуда

⁴³ А.Абдуғаниев, А.А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти, дарслик. -Т, 2004-84-б.

⁴⁴ Абдуллахонов Р.А. Ўтиш даврида сув хўжалиги мажмуаси ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш. Диссертация, Т-2003-81-б.



оқиб кетиш, яъни йўқотишлардан қолган сув миқдорини энг охириги суғориладиган майдонга етиб боргандаги миқдорини тушуниш мумкин. Чунки суғориладиган майдоннинг энг олдинги, яъни суғориш тизимларига яқин жойлашган майдонлари билан энг охириги майдонлари ўртасида анча фарк бўлиши аниқдир. Шунинг учун сув неттосини ҳисоблашда албатта бу кўрсаткичларга эътибор қаратиш лозимдир.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг асосий юналишлари технологик жиҳатларининг такомиллаштиришини тақозо этади. Бунда нафақат, оқова сувларни сув ҳавзаларига ташлашни камайтириш, балки тоза сувдан фойдаланишни ҳам камайтириш керак. Ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларида сув айланишининг бир неча бор такрорланиши бу сув ресурсларига инсон таъсирини камайтиришнинг асосий юналишидир. Тўғри, бунда сувнинг орқага қайтмас харажати ортади, лекин сув ҳавзаларидан чучук сув олиш камаяди, асосийси, оқова сувларини сув ҳавзаларига окизиш тўхтатилади.

Суғориш тизимларининг фойдали иш коэффициентсиенти (ФИК)ни проф. А.Абдуғаниевтомонидан қуйидагича аниқлаган:

$$СТФК = \frac{СТОЕБС}{СТБОСМ} \quad (3)$$

Бунда: СТФК-суғориш тизимидан фойдаланиш коэффициентсиенти;

СТОЕБС- суғориш тизимининг охирида экинларга берилган сув миқдори;

СТБОСМ- суғориш тизимининг бошида олинган сув миқдори.

Бу кўрсаткич даражаси ёки коэффициентсиенти 1га интилиши керак. Чунки суғориш тизимининг бошида олинган сув экин майдонларига тўлиқ етказилиши лозим. Агар унинг даражаси паст бўлса, демак, сувнинг маълум миқдори тизим давомида ёки парланган ёки тупроққа сизиб кетган ёки оқиб кетган бўлиши мумкин. Демак, проф.А.Абдуғаниевнинг фикрича, айнан мана шу тизимда сувдан самарали фойдаланишнинг кўп маблағ талаб қиладиган бўғини ҳисобланади. Чунки ҳозирги кунда республикада мавжуд суғориш тизимларининг фойдали иш коэффициентсиенти ўртача 0,64 ни ташкил этади. Бу кўрсаткични келажакда 0,74-0,75 га кўтариш чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

Республикада деҳқончилигида экинлар асосан эгатлар орқали суғориш амалга оширилади. Бирок, бугунги кунда сув тақчиллиги шароитида суғоришнинг томчилатиб, ёмғирлатиб ва тупроқ остидан намлатиб суғориш тизимларидан фойдаланилмаётир. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Украинада сувни тежайдиган технологиялар ёрдамида суғориш тизимининг фойдали иш коэффициентсиенти 0,55 дан 0,86 кўтаришга эришилган. Бунда сувдан



фойдаланиш коеффитсенти томчилатиб суғорилганда 90-95 %, ёмғирлатиб суғорилганда 70%, ер юзидан суғорилганда 50-60 % ни ташкил этаган. Сувдан фойдаланишдаги энг муҳим бўғин – бу авваломбор сув етказиб берувчи билан (сув хўжалиги тизими) сувни истеъмол этувчилар (хўжаликлар) ўртасидаги муносабатларни ўзгартириш лозим бўлади.

Ғ.Х.Қудратовнинг⁴⁵ фикрича, бир метр куб сувнинг нарҳини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкинлигини айтади:

$$H = X + M + \frac{\Phi}{C} \quad (4)$$

Бу ерда: H- бир метр куб сувнинг нарҳи, сўм;

X – сувни истеъмолчилар чегарасига етказиб бериш харажатлари қўшиб ҳисобланган ҳолда сув хўжалигининг умумий харажатлари, сўм;

M – сув хўжалиги ташкилотларининг умумий харажатларга мажбурий тўловлари, сўм;

Φ – сув хўжалиги ташкилотининг хўжалик ҳисобида ишлайдиган корхона сифатида ўз маҳсулоти, яъни суғориш сувини сотишдан кўрадиган соф фойдаси, сўм;

C- меёрлар доирасида истеъмолчиларга сотиладиган суғориш сувининг умумий ҳажми, куб метр.

Юқорида келтирилган фикрлар, тақлифлар мамлакат миқёсидаги сув баҳоси келтирилган бўлиб, айнан ҳудуд, вилоят ёки тизим миқёсида сувнинг нарҳини ҳисоблаш бўйича тадқиқот олиб борилмаган. Бизнинг фикримизча Ғ.Х.Қудратовнинг бир кубо метр сувнинг нарҳини ҳисоблашда суғориш сувини сотишдан кўрадиган соф фойдаси тушунчасини инобатга олиш бироз қийинроқ. Чунки, мамлакатимизда ташкил этилган сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, яъни сув хўжалиги ташкилоти нодавлат, нотижорат ташкилот бўлиб, у фақатгина сувни истеъмолчиларга етказиб бериш, сув иншоатларини таъмирлаш, тозалаш, эскиларини янгиси билан алмаштириш ва сув истеъмолчиларини сувга бўлган талабини қондиришда айниқса сув тақчиллиги шароитларида суғоришнинг замонавий усулларида фойдаланиш имкониятларини яратиб бериш учун хизмат қилиши назарда тутилган. Шундай экан, бу ташкилот сувни сотишдан ҳеч қандай фойда кўрмайди ва бизнинг фикримизча бир кубо метр сувнинг нарҳини қуйидаги кўринишга келтириш мумкин:

$$H = X + \frac{M}{C} \quad (5)$$

Бу ерда: H- бир метр куб сувнинг нарҳи, сўм;

⁴⁵ Қудратов Ғ.Х. Иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш асосида ғаллачилик тармоғи самарадорлиги ошириш. Автореферат. Т-2008-14-б.

⁴⁶ Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

X- сувни истеъмолчилар чегарасига етказиб бериш харажатлари кўшиб ҳисобланган ҳолда

сув хўжалигининг умумий харажатлари, сўм;

M- сув хўжалиги ташкилотларининг умумий харажатларга мажбурий тўловлари, сўм;

C- меёрлар доирасида истеъмолчиларга сотиладиган суғориш сувининг умумий ҳажми, куб метр.

Бироқ бутун тизим бўйича сув ресурсларидан фойдаланиш коэффитсентини ҳисоблашда энг охириги ер участкасигача етиб борган сув миқдорини манбалардан олинган сув миқдorigа нисбати орқали аниқланилса мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз ва уни қуйидаги формула ёрдамида аниқланиш мумкин бўлади:

$$\text{SFK} = \frac{\text{EOUYEBS}}{\text{MOS}} \text{ ёки } \text{SFK} = \frac{\text{EOUYEBS}}{\text{MOS}} * 100\% \quad (1)$$

Бу ерда: СФК- сувдан фойдаланиш коэффитсиенти;

ЭОУЕБС- энг охириги участкагача етиб борган сув миқдори, м³

МОС- манбалардан олинган сув миқдори, м³

Ушбу формула ёрдамида сувдан фойдаланиш коэффитсентини аниқлашда албатта, ҳар бир хўжалик участкасида сув ўлчаш асбобларини ўрнатиш лозим бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида эса сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш учун суғоришнинг замонавий усулларида фойдаланилса кўзланган мақсадга эришиш мумкин бўлади.

Демак, хулоса қилиб айтадиган бўлсак, сув ресурслари билан таъминланганлик деганда, ҳақиқатда сарфланган сув миқдорини меёр асосида берилиши керак бўлган сув миқдorigа нисбати орқали аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин лимит бўйича бериладиган сув миқдорини ҳисоблашда, албатта, ўсимликларнинг илмий асосланган суғориш меёрларини ҳисобга олган ҳолда белгилаш лозимдир ва буни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$\text{СРТД} = \frac{\text{HSSM}}{\text{MBSM}} * 100\% \quad (2)$$

Бу ерда: СРТД- сув ресурслари билан таъминланганлик даражаси, фоизда;

ҲССМ- ҳақиқатда сарфланган сув миқдори, м³;

МБСМ- меёр асосида берилиши керак бўлган сув миқдори, м³.

– Деҳқон хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда бозор механизмларини жорий этиш асосида улардан самарали фойдаланишга қаратилган амалий тавсиялар қуйидагилардан иборат:

⁴⁷ Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁴⁸ Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



- сув хўжалиги тизимларида сувдан самарали фойдаланишнинг электрон хариталарини ишлаб чиқиш;
- ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда бозор механизмларини жорий этишни трансформатсиялаш;
- сув тақчиллиги шароитида суғоришнинг инновацион технологияларини жорий этиш;
- ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини рақамли технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Республикамизда Ирригатсия тизимлари ҳавза бошқармалари, Магистрал каналлар (тизимлар) ва Ирригатсия тизими бошқармалари тўлиқ шаклланди. Худудий Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармалари, Гидрогеология мелиоратив экспедитсиялар, Ирригатсия тизимлари ҳавза бошқармалари тасарруфига ўтказилди,

Сув хўжалигида ўтказилган ушбу ислохот натижасида:

- сувдан фойдаланиш режаларини ишлаб чиқиш, сув олиш ва ундан фойдаланиш бўйича лимитларни ўрнатиш, сув олиш ва ундан фойдаланиш шартномаларини тузиш, шартномаларни рўйхатдан ўтказиш, сувнинг кундалик олди бердисини, ҳисоб-китоби ва ҳисоботини юритиш, сув ресурслари балансини ишлаб чиқишда тубдан ўзгаришлар рўй берди;

- Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг алоқадор вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда берган таклифларига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори билан Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари фаолиятини яхшилаш тўғрисидаги асосий

вазифалар:

- СИУлар сувдан фойдаланувчиларга ажратилган лимитлар доирасида сув етказиб

беради;

- уюшма та'сисчилари ва бошқа сувдан фойдаланувчилар ҳамда сув хўжалиги ташкилотлари билан ички сув хўжалик объектларини та'мирлаш ва ишлатиш бўйича

шартномалар тузишади ва унинг бажарилишини та'минлайди;

- уюшма хўжалиги худудидаги сув хўжалиги объектларини тозалаш ва та'мирлаш, реконструкция қилиш ишларини ташкил этади;



- сув ўлчаш асбобларини қуришни ташкил этади ва уларни белгиланган тартибда паспортларини тузади, шаҳодатлаш ҳамда рўйхатдан ўтказишни таъминлайди;

- ер эгаларига суғориладиган ерларнинг шўрини ювиш, сувдан мақсадли ва

самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича тадбирларни амалга оширишда услубий ва

амалий ёрдам кўрсатади;

- сувни иқтисод қилувчи илғор тажрибаларни ҳамда технологияларни жорий этишни

ташкил этади;

- уюшма балансидаги асосий воситаларни техник кўриқдан ўтказиб боради,

таъмирлаш ва янгилаш, ресурсларни иқтисод қилувчи техника ва технологияларни жорий

қилиш ва истиқболли режаларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳар бир сувдан фойдаланувчининг

бадалларини ҳисоб-китоб қилиб, белгиланган тартибда таъсисчиларнинг умумий йиғилишида тасдиқлайди.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда ҳам эр ва сув ресурслари ғоят катта рол ойнайди. Сув ресурслари табиат ресурслари орасида оъзига хос оърни ва аҳамиятига коъра бекиёсдир. Сув халқ хоъжалигининг барча тармоқларида ва аҳолининг ҳаёт фаолиятида ишлатилишига коъра, бу табиий ресурслардан фойдаланиш характери ва турлари хилма-хилдир. Айниқса суғорма деҳқончиликни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашда алоҳида оърин тутайди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида ақли технологияларни қўллаш қуйидагиларни жорий этишни тақозо этади:

- маълумотлар алмашинувининг рақамли форматига ўтиш, ҳисобот турларини қисқартириш билан иштирокчиларнинг ўзаро ва давлат билан ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш;

- ресурстежамкор технологиялар, хусусан аниқ уялаб экадиган сеялкалар, ГПС ускуналари билан жиҳозланган қишлоқ хўжалиги техникаларини қўллаш;

- сув ресурслари, ўғитлардан самарали фойдаланишни назарда тутувчи сувтежовчи суғориш технологиялари;

- қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини парваришлаш ва сутни соғиш бўйича робототехникалар;



- республиканинг қишлоқ хўжалиги қуйи тармоқлари ва ҳудудлари кесимида умумфойдаланишга қаратилган билим ва технологиялар банкини яратиш;

- рақобатбардош, бозор ва экспортга йўналтирилган қишлоқ хўжалигини шакллантириш;

- хорижий аналогларга мос келадиган “Ақлли қишлоқ хўжалиги” технологияларини режали асосда жорий этиб бориш.

Қарорга кўра, шунингдек, 2022 йил 1 январдан:

- пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштириш учун насос агрегатлари ва

суғориш қудуқлари истеъмол қилган электр энергияси қийматини Давлат бюджетидан субсидиялар ҳисобига қоплаш тартиби фақат сув тежовчи технологияларни жорий этган ишлаб чиқарувчиларга татбиқ этилади;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан сув хўжалиги ташкилотларининг суғориш қудуқлари ва вертикал дренаж қудуқларидан экинларни суғоришга сув тежовчи технологияларни қўллаш шарти билан рухсат этилади.

Шу билан бирга, қарорга мувофиқ, 2020-2030 йилларда сув хўжалигини ривожлантириш контсептсияси ишлаб чиқилди.

Пахтачиликда ресурс тежамкор технологиянинг афзалликлари:

- кузда ғўзапояли далани келгуси йил учун пушталаб экишга тайёрлашга

эришилади;

- ғўзапоя органик ўғит сифатида пахтазор тупроғига қайтириб берилади;

- барча жараёнлар бир ўтишда бажарилганлиги сабабли тупроқ структураси бузилмайди, айниқса зичланмайди;

- ёқилғи маҳсулотлари сарфи 3,5-4,2 марта, шунга мос ҳолда, меҳнат ва вақт

сарфи қисқаради.

Бир ўтишда ерни юмшатиш, зичлаш, буғдой экиш ва буғдой экилган қаторчалар тупроғини зичлаш каби жараёнларнинг бажарилиши ҳисобига агрегатларнинг дала бўйлаб ўтишлар сони 4 мартага камаяди, қатта тезликда ишлайдиган комбинатсиялашган машиналарни қўллаш ҳисобига ёнилғи сарфи ўрта ҳисобда 2,4 мартага камаяди (амалдаги технологияда 91,2 л/га, ресурстежамкор технологияда 38,0 л/га).



Томчилатиб суғориш технологияси билан 7 марта суғорилганда суғориш меъёри 3663 м³/га.ни ер устидан 5-6 марта суғорилганда эса бу кўрсаткич 5673м³/га.ни ташкил қилди. Шундай қилиб, томчилатиб суғорилганда суғориш сувининг иқтисод қилиниши 35,4 % ёки 2010 м³/га ни ташкил қилди.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЙОТЛАР:

1. Мирзиёев Ш. “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган контсептсиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ 6024-сон Фармони. - Тошкент, 2020 йил 10 июл.
2. А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Тошкент, 2010.
3. Қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришда инновацион технологиялар.
Қўлланма. Гадилов М.М, Атабаева Х.Н, Худойкулов Ж.Б, Гуломов Б, Қодирхўжаев О, Норкулов У, Нормуратов И, Якубов М, Жанаква Д, Акрамов У, Гуломов А.-Т.: 2013 й. 60 б.